

Юртимиздаги масжидларда Туркиядаги офат ариши учун хатми Қуръон ва дуолар қилинди



11:29 / 08.02.2023 999

Жорий йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Ҳоликназар ташаббуслари билан юртимиздаги масжидларда пешин намозидан сўнг жамоат билан Туркиядаги zilзила оқибатида мусибатга учраган қардош турк халқи ҳаққига Қуръони Карим хатмлари бағишланиб, Аллоҳ таолодан марҳумларни раҳмат қилишини, беморларга тезроқ шифои комил ато этишини сўраш баробарида бало-офатлардан сақлашини сўраб, дуолар қилинди. Жумладан, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидида ҳам Қуръон Карим хатмлари бағишланиб, жамоат аҳли билан дуолар қилинди.

Аллоҳ таолодан қардошларимизнинг улкан қайғу ва йўқотишларига шерик бўлган ҳолда уларга сабр-матонат ва офият тилаймиз.



